Ушбу сонда:
2 ИШЧИ ҒУРУРИ
3 ФАРЗАНДЛАР ЧЕҲРАСИДАН КУЛГУ АРИМАСИН
4 МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИДА СПОРТ КЛУБЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 15 декабр, жума №177 (1009)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

XXI АСРГА 16 КУН ҚОЛДИ

Ҳар кун чиқар ярқираб офтоб,
Тонг отадир ўлкада ҳар кун,
Ҳар соф саҳар, ҳар бир тиниқ тун
Шараф бер деб этадир хитоб.

Ҳамид Олимжон.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкентда 14 декабр куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси бошланди. Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, хорижий ва республика оммавий-ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлишди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - котибиятни сайлади, кун тартибини тасдиқлади.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Н.Комилов айрим сайлов округларида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови якунлари тўғрисида ахборот берди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидовга сўз берилди. У парламент депутатлари гуруҳи томонидан тайёрланган Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаати матнини ўқиб эшиттирди.

Муҳокамада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В.Сигедин, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бошқарувининг раиси О.Мусурмонова, Имом ал Бухорий халқаро жамғармаси бошқарувининг раиси З.Мунавваров, Тахтакўпир тумани «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги раиси А.Одилов, «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н.Кучерский, парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раисининг ўринбосари И.Ғофуров, Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Хоразм вилояти бўлими бошлиғи Г.Ибодуллаева, Тошкент клиник тез ёрдам касалхонасининг бош шифокори Т.Миродилов иштирок этди.

Улар Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатини қабул қилиш ҳақидаги таклифни қизғин қўллаб-қувватлашди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди. Давлатимиз раҳбари парламентнинг халқимизга Мурожаатининг моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама очиб берди, мустақил Ўзбекистоннинг янги минг йилликка қадам қўйишидек тарихий ҳодисанинг муҳимлигини, янгиланиш, давлатимизнинг янада тараққий этиши ва фаровонлигига эришиши учун аниқ ва амалий мақсадларни белгилаб олиш зарурлигини қайд этди. Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, Ватанимиз келажаги фақат ўзимизга, фидокорона бунёдкорлик меҳнатимизга, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни сақлай олишимизга боғлиқдир.

Депутатлар Олий Мажлиснинг Ўзбекистон халқига Мурожаатини қабул қилишди (матбуотда эълон қилинади).

Молия вазири М.Нурмуродов Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Ушбу масала бўйича Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжатини муҳокама қилишда Наманган шаҳри ҳокими М.Тожибоев, Нарпай тумани «Пахтакор овози» газетасининг бош муҳаррири Т.Тошмуродов, Андижон вилояти «Андижон» нашриёти директори Х.Нуғмонов, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М.Собиров, «Янгийўл ёғмой» ҳиссадорлик жамияти директори М.Худоёров иштирок этишди. Парламент Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилга мўлжалланган Давлат бюджетини маъқуллади.

Сессиянинг кечки мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадовнинг иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузаси билан бошланди. Учқўрғон тумани ҳокими Б.Охунов, «Муборакнефтгаз» нефтгаз конлари бошқармаси бошлиғи Н.Зайниев, Қумқўрғон тумани ҳокими Н.Чориев, «Комплекс тематик экспедиция» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқарувининг раиси Т.Бобожонов, Қарши тумани ҳокими С.Хайруллаев ушбу ҳужжат тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Депутатлар қонунни қабул қилишди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатларга иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги» Қонун лойиҳасини ўқиб эшиттирди. Лойиҳани муҳокама этишда «Бухороёғ» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг раиси М.Зайниев, Имом ал Бухорий халқаро жамғармаси бошқаруви раиси З.Мунавваров, Марғилон шаҳри ҳокими А.Акромов, «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси бошқаруви раиси Р.Матчонов, «Ўзкимёсаноатлойиҳа» илмий-текшириш ва лойиҳалаштириш институтининг Чирчиқ филиали директори Х.Назаров иштирок этди. Депутатлар ушбу қонунни қабул қилишди.

Иккинчи ўқишда киритилган янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистон судялари ассоциацияси раиси О.Тўхташев депутатлар ҳукмига ҳавола этди. Ушбу масала юзасидан ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ф.Омонов, Янгибозор тумани ҳокими Э.Юсупов, Сурхондарё вилоят офталмология шифохонаси бош врачи Р.Мухаммадиев сўзга чиқди. Олий Мажлис янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини қабул қилди.

Депутатлар янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси қабул қилиниши муносабати билан Жиноят-процессуал, Хўжалик-процессуал ва Фуқароликпроцессуал кодексларига, шунингдек, судяларнинг малака ҳайъатлари, судяларнинг малакавий тоифалари, суд ходимларининг мансаб тоифалари, ҳарбий судлар фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов янги таҳрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Фарғона шаҳри ҳокими А.Мўминов, Самарқанд давлат университети ректори Р.Холмуродов, Оқдарё тумани Мирзо Улуғбек номли 2-ўрта мактаб директори Ж.Исроилов, «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталарининг бош муҳаррири Н.Саидовнинг сўзга чиқишларидан кейин парламент янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Иккинчи ўқишда кўрилаётган «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси юзасидан Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов маъруза қилди.

Ушбу қонун лойиҳаси бўйича «Хуррият» газетасининг бош муҳаррири Х.Дўстмуҳамедов, «Новатор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директорлар кенгашининг раиси А.Матвеев, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси аъзоси Н.Қамбаров, Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг масъул котиби - «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари А.Болиев сўзга чиқди. Олий Мажлис қонунни қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси ўз ишини давом эттиради.

ЯНГИ МИНГЙИЛЛИКДАН УМИДИМИЗ КАТТА

XX асрдан ғоят миннатдорман. У бизга энг улуғ неъмат — мустақиллик берди. Қуллик, қарамликдан халос бўлдик. Истиқлол қадр-қимматимизни ўрнига қўйди. Ўз еримизнинг ҳақиқий хўжайинига айландик. Энди бизга тинчлик-хотиржамлик, осуда ҳаёт, ҳамкору ҳамжиҳатлик, меҳру оқибат бўлса бас. Одил ва оқил Президентимиз раҳнамолигида янги мингйилликда ҳар бир фуқаро, фарзандларимиз эзгу ниятларига бирин-кетин эришаверадилар.

Собиқ шўролар даврида отам, оила аъзоларим кўп мусибат чекишган. Афсус билан эслайман, мўъжазгина қишлоғимиз чеккасида ташландиқ жой бўларди. Етмишинчи йилларда отам билан тер тўкиб ишлаб, шу ерни обод қилиб, яхши ниятда сув тегирмони қурдик. Бироқ, бу тадбиркорлик кимларгадир ёқмади. Орадан кўп ўтмай тегирмонни бузиб ташлашди. Отамни тегишли идораларга чақириб роса хўрлашди.

Мустақилликка эришгач биринчилар қаторида фермерлар сафига қўшилдик. Узоқ муддатли шартнома асосида ер олиб, деҳқончилик қила бошладик. Қарангки, ҳали ҳаётимизда оз бўлса-да «мен раҳбарман, меники тўғри» қабилида иш юритадиган, қонунни четлаб ўтадиган кимсалар ҳам йўқ эмас экан. Кутилмаганда хўжалигимиз раҳбари ерни тортиб олди. Уни қанчалик инсофга чақирмайлик фойдаси бўлмади. Шунда 8-синфда ўқийдиган ўғлим ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қила билинг-да дея йўл-йўриқ кўрсатди. Тан олиш жоиз. Ҳали ҳуқуқий саводхонлигимизни ошириш учун кўп ўқишимиз керак. Ахир Асосий Қомусимизда ҳақ-ҳуқуқларимиз қонун йўли билан мустаҳкамланган-ку! Конституциямизнинг 44-моддасида: «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади» дейилган.

Шундай қилдик ҳам. Натижада суд еримизни қайтарди, раисдан кўрган моддий зараримизни ундириб берди.

XXI асрга катта ниятлар билан қадам қўйяпмиз. Ниятим муборак юртимизни, фидокор халқимизни яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан асрасин, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин. Орамиздан сотқинлар, ватанфурушлар чиқмасин.

Х.АБДУЛЛАЕВ,
Сирдарё туманидаги «Холиқжон» фермер хўжалиги раҳбари.

ҚОРАҚАЛПОҚ САНЪАТИ БАЙРАМИГА ҲОЗИРЛИК

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ пойтахтимизда 15-18 декабрда бўлиб ўтадиган Қорақалпоғистон маданияти кунларига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Мазкур тадбир доирасида Тошкентда Оролбўйи заминида ижод қилаётган мусаввирларнинг, иқтидорли ёшларнинг энг сара асарлари кўргазмаси ҳамда қорақалпоқ ўтовларининг намойиши ҳам бўлиб ўтади. Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси Турсунали Қўзиев ана шу ҳақда сўзлаб берди:

- Қорақалпоқ маданияти кунлари миллий қадриятларимизни янада ривожлантириш, миллатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, қорақалпоқ халқининг бой маданияти ва санъатини бор бўйбасти билан намойиш этиш имконини беради. Тадбирда Қорақалпоғистоннинг ўзига хос тасвирий ва халқ амалий санъатига кенг ўрин ажратилади. Шу мақсадда ташкил этиладиган кўргазмага Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, машҳур ҳайкалтарош Жўлдошбек Куттимуродов, Мустақиллик байрамининг 9 йиллиги арафасида «Дўстлик» ордени билан тақдирланган Бозорбой Серкеев, Ўзбекистон халқ рассоми унвонига сазовор бўлган Жовлибой Изинтаев каби рассом ва ҳайкалтарошларнинг асарлари қўйилади.

Айни вақтда Нукус Санъат музейи хазинасида сақланаётган нодир картиналар ҳам кўргазмадан ўрин олади. Маълумки, мазкур даргоҳда йигирманчи аср бошларидаги Европа ва Россия тасвирий санъатининг жаҳонга машҳур ноёб асарлари сақланади. Улар орасида Р.Фальк, Н.Карахан, Н.Курзин, О.Тевосян, Е.Каравай, Н.Кашина, И.Савицкий, А.Волков сингари рассомлар чизган суратлар бор. Шу билан бирга, дунёда моҳир манзарачи мусаввир сифатида ном қозонган Ўрол Тансиқбоевнинг мустабид тузум шароитида тақиқланиб, ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган асарлари ҳам тақдим этилади. Қолаверса, қорақалпоқ халқ амалий санъатининг энг гўзал намуналари - каштачилик, заргарлик, гиламчилик, тўқимачилик буюмлари, кигиз босиш санъати ва миллий либослари намуналарига кенг ўрин берилади.

Тадбир давомида Алишер Навоий номидаги академик катта театр фойесида Қорақалпоғистоннинг Бадиий академия тасарруфидаги тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида таҳсил олаётган иқтидорли болалар чизган расмлар томошабинлар эътиборига ҳавола қилинади. Театр майдонида ўзига хос ажойиб меъморчилик санъати ҳисобланмиш қорақалпоқ ўтовларининг кўргазмаси ҳам уларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Хабарлар оқими

ТЕРМИЗ ЧИРОЙИ

Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Шаҳарни янада ободонлаштириш, юбилей объектлари қурилиши, янги боғ ва хиёбонлар барпо этиш, тарихий ва маданий обидаларни таъмирлаш, шаҳар коммуникация тармоқларини ривожлантириш ишларининг бориши билан Бош вазир ўринбосарлари Ҳ.Кароматов, А.Исаев вилоят ҳокими Б.Олимжонов ҳамроҳлигида танишиб чиқди.

Термиз темир йўл вокзалининг янги биносини ишга тушириш, шаҳар аэропорти биносини таъмирлаш, амфитеатр ва археология музейи қурилиши, Алишер Навоий боғи ва ҳайкали мажмуасидаги ишларни жадаллаштириш, қурилиш ишлари сифатига алоҳида эътибор бериш тўғрисида тавсиялар берилди. Қурувчиларнинг фикр ва мулоҳазалари кўриб чиқилди.

СУВРАТЛАРДА БАХТЛИ БОЛАЛИК

Нукусдаги Ўлкашунослик музейида «2001 йил - Оналар ва болалар йили» мавзуида кўргазма ташкил этилди. Унда 400 га яқин фотосуратлар, шунингдек, мамлакатимиз ва хорижлик мусаввирларнинг асарлари намойиш этилди. Бу суратларда она ва фарзанднинг бахтиёр чеҳраси, ўғил-қизларнинг боғча ҳамда мактабларидаги, табиат қўйнидаги ҳаётлари акс эттирилган.

Кўргазма экспонатлари музейга ташриф буюрганларда чуқур таассурот қолдирмоқда.

БОКСЧИЛАРИМИЗ МЕДАЛЛАРСИЗ ҚАЙТИШМАЙДИ

Россиянинг Владимир шаҳрида Владимир Монамах Кубоги учун бокс бўйича ўтказилган мусобақада МДҲнинг саккиз мамлакатидан 62 нафар боксчи иштирок этди. Беллашувда етти нафар спортчидан иборат Ўзбекистон терма жамоаси қатнашди ва иккита олтин, тўртта бронза медални қўлга киритди.

К.Ибайсенов ва И.Бердиев олтин, Б.Хидиров, К.Маҳкамов, А.Комаров ва Н.Азимов эса бронза медалларга сазовор бўлишди.

(ЎзА).

Кунниг муҳим воқеаси

ЖОРЖ БУШ - АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ

Пайшанба куни Гринвич вақти билан соат 5.00да (Тошкент вақти билан 10.00) АҚШ вице-президенти, демократ Алберт Гор мамлакат телевидениеси орқали халққа мурожаат қилиб, беш ҳафтадан буён чўзилиб келаётган сиёсий кураш тугагани, ўз рақиби, республикачилар партияси вакили Жорж Бушнинг ғалабасини тан олганини билдирди.

У Жорж Бушни телефон орқали ғалаба билан табриклаганини айтди. Бу Америка Қўшма Штатларидир, биз ўз манфаатимизни давлат манфаатларидан устун қўйишга ҳаққимиз йўқ. Мен азбаройи халқимиз бирдамлиги ва жипслиги, демократик жамиятимизнинг мустаҳкамлиги учун расман ўзимнинг мағлубиятга учраганимни тан оламан деди у ўз нутқида.

Аслида бу нутқ 8 ноябр куни айтилиши керак эди. Аммо, не ажабки, мамлакат ҳаётида ҳеч ким кутмаган сиёсий машмашалар бошланиб кетди. Техас штати губернатори билан вице-президент ўртасида роса беш ҳафта давом этган даҳанаки жанг жаҳон оммавий ахборот воситаларининг бош мавзуларидан бирига айланди, десак хато бўлмайди.

7 ноябр куни бўлиб ўтган президент сайлови Оқ уйнинг янги хўжайини ким бўлишини бирданига аниқлаб бера олмагани дунё аҳлини таажжубга солгани сир эмас. Демократия Жамолунгмаси ҳисобланмиш АҚШда ҳали бунақаси кузатилмаган эди. Аввалига, сайлов натижалари эълон қилингандан сўнг, Алберт Гор мағлубиятини тан олиб, Жорж Бушни телефонда табриклади. Аммо, кўққисдан маслаҳатчи Уильям Дейли унга қўнғироқ қилиб, шошмасликни, ҳали ғалабадан умид борлиги, Флоридада юзага келган вазият шуни тақазо этаётгани ҳақида хабар берди. А.Гор дарҳол ўз сўзини қайтариб олди.

Шундан кейин Флоридада сайлов натижаларини қайта кўриб чиқиш ишлари бошланди. Бу жараён шу қадар чўзилиб кетдики, ҳатто айрим кузатувчилар Флоридада қайси номзод кўп овоз олганини тугал аниқлаб бўлмаслиги ҳақида гапириб қолди. Умуммамлакат бўйича ҳисобда А.Гор рақибидан 377 минг кўп овоз тўплаганига қарамай, асосий натижа сайловчилар ҳайъатининг мажлисидан кейин ҳал бўлади. АҚШда президент сайлови тизими шундайки, халқ сайловчилар вакилларини сайлайди, улар эса президентни. Флоридадаги ғалаба сайловчилар ҳайъатида Ж.Буш номига овоз берадиганлар сонини 271га етказди, А.Гор тарафдорлари эса 267лигича қолди.

Сайлов жараёни чигаллашиб, машмашалар кун сайин ортиб бораётгани боисми, демократлар вакили курашни тўхтатишни маъқул кўрди. Дунё унинг «таслим ҳақидаги иқрори»ни эшитди. Шуни таъкидлаш жоизки, демократлар, мағлуб бўлган эса-да, А.Гор навбатдаги, яъни 2004 йилда бўладиган президент сайловида қатнашиб, республикачиларни четга суриб чиқажагига қаттиқ ишонч билдирмоқда.

Келаётган душанба куни сайловчилар ҳайъатининг мажлиси бўлади. Улар чиқарадиган қарор бутун сайлов жараёнига нуқта қўйиши керак. Одатда ҳайъат аъзолари халқ истаган номзодни қўллаб-қувватлайди. Лекин истисноларни ҳам эҳтимолдан йироқ тутиб бўлмайди. Дейлик, тўсатдан ҳайъат аъзосининг кайфияти ўзгариб, у бошқа номзодни ёқлаб юбориши ва (ҳозирги ҳолатда) А.Гор президент бўлиб кетиши мумкин. Аммо, энди шундай кескин бурилиш бўлиб қолса-чи, деган хавотирга ўрин йўқ. Чунки А.Гор расман кураш майдонини тарк этганини айтди.

Шундай қилиб, Америка Қўшма Штатларида аср интиҳосида бўлиб ўтган президент сайлови республикачилар ғалабаси билан тугади. АҚШнинг 43-президенти бўлиш Техас штати губернатори Жорж Бушга насиб этди. Демократ Алберт Гордан фарқли ўлароқ, у Оқ уй раҳбарлиги учун биринчи бор курашди. У янги давлат раҳбари сифатида 2001 йилнинг 20 февралида қасамёд қабул қилади.

Шу ўринда, қисқача Жорж Бушнинг ўзи ҳақида. АҚШнинг 41-президенти Жорж Бушнинг ўғли кичик Жорж Буш 1946 йилда Коннектикут штатининг Нью-Хейвен шаҳрида таваллуд топган. У 1975 йилдан 1986 йилгача нефт-газ саноатида фаолият кўрсатган. Икки марта, яъни 1994 ҳамда 1998 йилда Техас штати губернатори этиб сайланган. Унинг рафиқаси Лора Уэлч собиқ ўқитувчидир. Уларнинг иккита (эгиз) қизи бор.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

ИШЧИ ҒУРУРИ

Бозор иқтисодиёти ҳар бир раҳбардан тадбиркорона иш юритишни талаб этмоқда. Чунки, раҳбар ишни тўғри ташкил этмаса, изланмаса, омилкорлик кўрсатмаса ҳеч қачон олдинга силжиш бўлмайди.

«Термиз пахта» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти давр талаблари асосида фаолият кўрсатаётган корхоналардан бири. Ишчи-хизматчилар ўз меҳнатларига яраша кўрсатилаётган рағбатдан мамнунлар. Бунда маъмурият билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномасининг ёрдами салмоқлидир. Ундан асосан меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, қулай иш шароитлари яратиб бериш, моддий таъминотни босқичма-босқич яхшилаб бориш каби долзарб масалалар ўрин олган.

— Йил бошида ишчи-хизматчиларимизнинг ойлик маошлари 18 минг сўмни ташкил этган эди,- дейди корхона раҳбари Шерқул Ҳакимов. — Бугунга келиб 25 минг сўмга етди.

Маҳсулотлар харидоргир бўлганлиги сабабли иш бир маромда давом этаётир. Хом ашё АҚШ, Жанубий Корея, Буюк Британия, Швейцария, Нидерландия каби кўплаб ҳорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Энг қувонарлиси, сифат юқорилиги сабабли маҳсулот таннархи ошиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, корхона барча цехларининг тўла қувват билан ишлашида, эришилаётган ютуқларда 150 нафар меҳнаткаш аёлларнинг муносиб улушлари бор.

— Ишловчилар маошларини ҳар ойнинг 9-10-кунида ҳеч қандай узилишсиз оладилар, - дейди ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси София Отақурбонова. Улар ҳар йили бир марта маъмурият ҳисобидан бепул тиббий кўрикдан ўтказилади. Шунингдек, бепул тушлик ташкил этилган.

Қатнаб ишловчиларга махсус автобус хизмат қилади. Зарарли иш жойларида меҳнат қилаётган ишчиларга сут ва сут маҳсулотлари берилади.

Техника хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ махсус кийим-бош ажратилган. Тиббий пункт ходимлари доимо улар саломатлигидан хабардор. Шу боис мана, 10 йилдирки бирорта ҳам кўнгилсиз ҳодиса юз бермади.

Корхонада 30-40 йилдан бери ҳалол меҳнат қилиб келаётган ишчилар кўпчиликни ташкил қилади. Бундай тажрибали кадрлар ўз касблари сирларини ёшларга қунт билан ўргатмоқдалар.

— Ушбу корхонада 30 йилдан ортиқ той юкловчи вазифасида ишлаб келмоқдаман,- деди Латиф Салимов. — Ўз бахтимни меҳнатдан топдим. Чунки, корхонамизда биз ишчилар учун кўплаб имтиёзлар яратилган. Меҳнат таътилига чиқаётган ҳар бир кишига бир ойлик иш ҳақи миқдорида мукофот пули берилади. 25-30 йиллик иш стажига эга бўлганлар 7 иш куни, 15-20 йил ишлаганлар 5 иш куни, 5-10 йиллик стажи борлар 3 иш куни миқдорида қўшимча пуллик таътил оладилар.

Корхона қошидаги «Пахтаой» болалар боғчасида тарбияланаётган кичкинтойлар пул тўловларини корхона ўз зиммасига олган. Шунингдек, мактаб ёшидаги болажонлар ёзги мавсумда оромгоҳларга бепул йўлланмалар билан таъминланадилар. Ишчиларга эса навбат билан республика ва вилоят миқёсидаги «Чинобод», «Турон», «Ботаника», «Сурхон», «Жайронхона» каби сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар берилаётир.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир акция учун ўтган йили 238 сўм 83 тийиндан дивидент олинди. Хусусан, акциялар ҳисобидан ишчи Абдуғаффор Кучев 107 минг, Ш. Хўжақулова 33 минг, Рўзи Хайитмуродов, Ятим Одинаев, Рўзигул Вохидовалар эса 30-50 минг сўмдан фойда кўрдилар.

Ишчилар кайфиятининг доимо аъло бўлиши корхона учун муваффақият омили бўлиб хизмат қилаётир.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

ЁШЛАР ОИЛА ҚУРИШМОҚЧИ

2000 йил - Соғлом авлод йили

Каттақўрғон туман марказида жойлашган ФХДЁ бўлимига ўрта ёшли аёл билан мўйлови сабза урган ўсмир кириб келишди. Лидия Шомуротова уларни илиқ кутиб олар экан, ниятлари билан қизиқди. Йигитнинг онаси «Ўғлимни уйлантиряпман, келин-куёвни ЗАГСдан ўтказишга келдим», деди.

— Жуда яхши, унда келинингиз қани, ташқарида бўлса чақиринг, — илтимос қилди иш юритувчи.

— У сабабли кела олмади, мана, паспорти, ўтказаверинг!

— Келиннинг қатнашиши шарт, — тушунтирди Л.Шомуротова, — чунки янги турмуш қураётганлар тиббий кўрикдан ўтишлари керак. Никоҳдан ўтиш учун бир ой олдин ариза бериб қўйилади.

Она норозилигини яширмади.

— Тиббий кўригингиз нимаси? Ўғлим ҳам, келиним ҳам соппа-соғ, овора бўлганимиз қолади...

Баҳсга ФХДЁ бўлими мудираси Раҳима Маҳмудова аралашди. У «Оила» кодексининг 17-моддасини изоҳлаб берар экан, тиббий кўрикдан кўзланган мақсад — фарзандларнинг соғлом туғилиши учун яқин қариндош-уруғларнинг қуда-андачилигининг зарарли томонлари келинкуёвлардан бири хасталикка чалинган бўлса даволангандан сўнггина турмуш қуриши мумкинлиги, фақат тўрт мучали соғ онадангина соғлом фарзанд дунёга келишини синчиклаб тушунтирди...

Туманда бундай ҳолларнинг якка-ягона эмаслиги сабабли носоғлом фарзандлар туғилаётгани сир эмас. Шу боис туман ФХДЁ бўлими бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш тадорикини кўрмоқда. Аниқ тадбирлар белгилаб, мутасадди ташкилотлар билан уларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Чунончи, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Шаропова, Саломатлик маркази ходимлари ҳамда шифокорлар ила ҳамкорликда 42-, 43-мактабларнинг юқори синф ўқувчилари билан очиқ мулоқот ўтказилди. Бундай тадбир маҳалла фуқаролар йиғинлари, лицей ва коллежларда ҳам бўлиб ўтаётир.

Лекин шунга қарамай туман бўйича ўтган йили балоғат ёшига етмасдан оила қурганлар сони 3 та, жорий йилда эса 2 тани ташкил этди. Хўш, ФХДЁ бўлими рўйхатидан ўтмаган бу ёшлар тақдири билан маҳалла қўмитаси ёки никоҳ ўқиган муллалар қизиқиб кўрдиларми?

Ана шу ва шунга ўхшаш муаммоли масалаларни ижобий ҳал қилишда бўлим маҳалла қўмитаси ва фуқаролар йиғини фаолларига таяниб иш кўрмоқда. Ушбу тадбирлар самараси ўлароқ кейинги ойларда юқоридаги ҳолатлар қайд этилмади. Яна бир гап. 90 ёшли Омонқул бобо Ҳусановнинг панд-насиҳати, маслаҳатлари асосида тайёрланган «Ёш келинчакка ўгитлар» тавсияномаси никоҳдан ўтган ҳар бир ёшга тантанали топширилмоқда. Унда намунали оила номига мушарраф бўлгунга қадар риоя қилиниши зарур бўлган барча ибратли жиҳатлар ўз инъикосини топган. У ибратли оилалар бунёд этилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Абдиназар НУРМАТОВ,
техника фанлари номзоди,
Ойдиннисо НУРМАТОВА,
Каттақўрғон шаҳридаги 9-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ХАРИДОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

«СамКочАвто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган автобус ва юк машиналарининг сони мингтадан ошди.

Асосийси, «СамКочАвто» тамғаси остида чиқаётган автобус ва юк машиналарига бўлган талабнинг катталигидир. Бунинг сабаби корхона автомашиналарининг йўловчи ва юк ташишдаги имкониятлари кенглиги билан биргаликда мижозлар талаби асосида иш юритилиши ҳамдир. Фахрланарлиси, нуфузли фирмалардан бири «Кока-кола» ҳам қўшма корхонанинг доимий мижозларидан бирига айланмоқда. Бу эса «СамКочАвто» қўшма корхонасининг дунёдаги кўплаб нуфузли автотранспорт фирмалари билан бемалол рақобат қила олишидан далолат беради.

«Туркистон-пресс».

Ўз ишининг устаси Тожимурод Турдиев номи Қарши туманидаги Я.Омонов номли хўжаликда алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. У техникадан унумли фойдаланиш, ёшларга касб сирларини қунт билан ўргатишда алоҳида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

Меҳнат муҳофазаси унутилган жойда...

ЭҲТИЁТСИЗЛИК НИМАЛАРГА ОЛИБ КЕЛДИ?

Сирдарё вилоятида шолини оқловчи ва ун тегирмонлари сони 200 тадан ошиб кетди. Бошқача айтганда қайси бир қишлоқда бўлманг, тадбиркорликнинг бу турига дуч келасиз. Аммо аксарият ишбилармонлар фойда кетидан қувиб меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги қоидаларини унутаётганлиги ачинарлидир.

Шифокор ҳузуридан қайтаётган йигит билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. Исми Зафар экан. Эндигина 24 баҳорни қаршилабди. Суҳбат асносида хусусий шоли оқлаш тегирмонида ишлаганини айтди. Эҳтиётсизлик боис бош бармоғини агрегат ямлаб кетиб, ногирон бўлиб қолибди. Унинг ўксик кўнглини кўтаришга, интилсак-да, аслида ичимиздан зил кетдик. Зафарга ўхшаб мўмай даромад илинжида ўз саломатлигини бой бераётганлар қанча? У энди ишламайди. Боз устига на касаллик варақаси-ю на бошқа имтиёзга эга.

Зафарнинг қисмати туртки бўлди-ю, бир қатор қишлоқлардаги хусусий тегирмонларни кўздан кечирдик. Ўнта тегирмондан фақат биттасида хавфсиз иш шароити яратишга интилиш борлигини кўрдик.

— 1991 йилдан буён хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаман. Битта шоли оқлаш, 2 та ун тегирмонимиз бор, - дейди мирзаободлик тадбиркор Абдували Ғоибназаров. — Олти нафар ҳамқишлоғимизни иш билан таъминлаганмиз. Уларни меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилиб, меҳнат дафтарчаси очдик. Техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилишга интиламиз. Укаларимнинг бирини ана шу ишга масъул қилиб қўйганман.

Тегирмонлар иши билан танишдик. Айланма тасмалар махсус ҳимоя қопқоқлари билан беркитилган. Электр қуввати тарқатиш қутиларида хавфсизлик чоралари кўрилган. Ҳавони мўътадиллаштириш, чанг ва ғуборни сўрувчи мосламалар ишлаб турибди. Ишчилар учун дам олиш хоналари барпо этилиб, радио ва телевизор билан таъминланган.

Бу ерда иш уч смена да ташкил этилган бўлиб, худди давлат корхоналаридагидек тартиб ўрнатилган. Ишловчилар билан ҳар куни ҳисоб-китоб қилинади. Бундан ташқари ишчиларга ҳар хил моддий ёрдам кўрсатилади. Масалан, тўй ва маъракалар учун алоҳида маблағ ажратилган.

Таассуфки, аксарият жойларда бунинг аксига дуч келасиз. Мисол учун Оқолтин туманидаги Фарғона қишлоғида яшовчи тадбиркор Ш.Каримов мўмай даромад кетидан қувиб, меҳнат муҳофазасини унутиб қўйганининг гувоҳи бўлдик. Бўлмасам у меҳнат муҳофазасини назоратдан ўтказиш учун келган мутахассисларни олдига солиб қувармиди?

— Назорат қилувчи органлар ишини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссияси томонидан тасдиқланган келишувга асосан Ш.Каримовнинг ун ва шолини оқлаш тегирмонларини кўздан кечирганимизда қаттиқ қаршиликка дуч келдик, - дейди Сирдарё вилоят меҳнат бошқармасининг давлат меҳнат техника инспектори Х.Қўчқоров. - Тадбиркорнинг подадан олдин чанг чиқаришига бир қатор сабаблар бор экан.

Энг аввало, Ш.Каримов ва тегирмон ишчиларининг бирортаси тиббий кўрикдан ўтмасдан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришмоқда. Бирор киши меҳнат хавфсизлиги шаҳодатномасига эга эмас. Боз устига касблар бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқномаси дастури ишлаб чиқилмаган. Техника хавфсизлигини назорат ва қайд қилиш дафтарлари умуман юргизилмаган. Ун ва гуруч тегирмонларининг тасмалари ҳимоя қалпоқлари билан беркитилмаган. Ишловчилар шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланмаган. Катта электр тарқатиш қутилари очиқ турибди. Ана шу шароитда мазкур хусусий корхонада кўнгилсиз ҳолат содир бўлмайди, деб ким кафолат бера олади? Беихтиёр кўнгли ўксик Зафарнинг аҳволи кўз ўнгимизда жонланади.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Мулк шакли ўзгаргач

СОФ ФОЙДА — ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА

Нафақат Қорақалпоғистонда, балки Хоразм воҳасида ҳам ягона ҳисобланган «Қорақалпоғис-тонқурилиш» уюшмасига қарашли Нукус мармар заводида қувватлардан унумли фойдаланиб, маҳсулотлар миқдорини кун сайин кўпайтиришга эришилмоқда.

Бунга асосан уюшмага ишнинг кўзини биладиган, ташаббускор, янгиликка интилувчи янги раҳбарлар келиши, мулк шакли ҳақиқий маънода ўзгариб, ишчиларнинг масъулияти ортиши, сифатнинг яхшиланиши, пировард натижада манфаатдорликнинг юксалиши омил бўлиб хизмат қилди. Аввало, Италиянинг «Педрини» фирмасидан келтирилган иккита линиянинг бетўхтов ишлашига эришилди.

Натижада йил бошидан буён 17 минг куб метр плиталар тайёрланиб, Қорақалпоғистоннинг йирик қурилиш иншоотларига етказиб берилди. Агар биринчи ярим йилликда 20 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилган бўлса, мавжуд қувватлардан оқилона фойдаланиш туфайли кейинги тўрт ойда 50 миллион сўмлик мармар плиталар тайёрланди. Олинган соф фойданинг 2,5 миллион сўмга кўпайиши эса корхонада ишловчиларга етарли шароитлар яратиб бериш имконини яратди.

Шунингдек, маҳсулотларни хориждаги истеъмолчиларга етказиб бериш юзасидан ҳам музокаралар олиб борилмоқда.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ОЙЛИК МАОШ НЕГА КЕЧИКМОҚДА?»

Газетанинг 3-ноябр сонида юқоридаги сарлавҳа билан чоп этилган танқидий мақолада таъкидланган далилларни батафсил ўрганиб чиқиб, туман ҳокимлиги қуйидагиларни маълум қилди:

«Шарғунғишт» ҳиссадорлик жамиятида ҳақиқатан ҳам мақолада кўрсатиб ўтилган ташвишли ҳолат юзага келган бўлиб, корхона ишчи-хизматчиларига ҳақ тўлашда қонун бузилишларига йўл қўйилган.

Туман ҳокимлигининг Ўзбекистон Республикасининг «Ҳиссадорлик жамиятлари ва ҳиссадорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни доирасида аралашувидан кейин мавжуд камчиликларга барҳам берилди. Яъни, ҳиссадорлик жамиятининг ишчи-хизматчилар маошидан қарздорлиги масаласи тўлатўкис ҳал қилинди.

Ишловчилар меҳнатига ҳақ тўлашни кечиктириб юборгани учун жамият кузатув кенгаши раиси У.Жўраев, бошқарув раиси А.Холов ва корхона бош ҳисобчиси А.Қодировлар фаолиятига муносиб баҳо берилди.

Ф.НИЗОМИДДИНОВ,
Сариосиё тумани ҳокими ўринбосари.

Хориж билан

АЖОЙИБ

Бобокалонларимиз фусункор бу маъвони Чин Мочин дея аташган ва ҳам зиёрат, ҳам тижорат мазмунида яқиндан борди-келди қилганлар. Ривоят қилишларича, ипак қурти уруғи ҳам қайсидир донишманд томонидан ўйиб ишланган асо ичига солиб олиб келинган экан...

Мана бугун биз - Амир Темур авлодлари қадим Буюк ипак йўлининг мавзун бўлаги ўтган бу мамлакатни инкишоф қилишда давом этмоқдамиз. Бутунхитой касаба уюшмалари Федерациясининг таклифи билан бир ҳафта мобайнида Хитой Халқ Республикасида амалий сафарда бўлган Ўзбекистон делегацияси аъзолари учун ҳам, айтиш мумкинки, бу мўъжизакор ўлка ўз сир сандиғини дўстона очди.

— Сафар чиндан-да таассуротларга бой бўлди, - дейди Ўзбекистон соғ-лиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси, республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси муовини Озода Муҳитдинова. — Мустақилликка эришганига унчалик кўп вақт бўлмаган, ижтимоий адолат тамойилларига риоя қилган ҳолда бозор муносабатлари асосига қурилган тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир мамлакат учун Хитой тажрибаси шак-шубҳасиз катта аҳамиятга молик эканлигини, ўйлайманки, ортиқча изоҳларсиз ҳам тушуниш мумкин. Ва биз, гарчанд нисбатан қисқа фурсат давом этган эса-да, сафаримиз чоғида ўзимизга тегишли жуда кўп нарсалардан воқиф бўлдик.

Дарҳақиқат, бугунги Хитой феномени оҳанрабодек барча-барчани ўзига ром этаётгани ва қизиқтириб қўйгани бежиз эмас. Яқин-яқиндагина, таъбир жоиз бўлса, устига ташланган кўрпаси оёғини ёпса боши, бошини ёпса оёғига етмаётган мамлакат сал фурсатда ҳар жиҳатдан илғорлар сафидан ўрин ола бошлагани чиндан-да хайратланарли. Сўнгги 20 йил ичида Хитой иқтисодий қурилиш ва ижтимоий тараққиётда улкан муваффақиятларга эришди. Иқтисодий тизимни ислоҳ қилишда ҳал қилувчи қадамлар ташланди, ташқи дунё билан муносабатларда янги поғоналарга кўтарилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси делегациясининг Хитой Халқ Республикасига сафари бағоят фойдали бўлди

Бугунги кунда Хитой инфляция суръати энг паст бўлган давлатлар сирасига киради. 1987 йилда қабул қилинган мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш бош дастурига кўра ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар 2000 йилда 1980 йилга нисбатан тўрт мартага ортиши режалаштирилган эди. Аммо бу вазифа муддатидан илгари, 1995 йилдаёқ бажарилди. Айни вақтда иқтисодий салоҳиятига кўра Хитой АҚШ, Япония, Германия, Франция, Италия ва Англиядан кейин дунёда еттинчи ўринни эгаллаб турибди.

Хитойликлар ўз муваффақиятларини энг аввало қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар билан боғламоқдалар, зеро оилавий пудрат тизимига ўтиш натижасида иқтисодда жуда тез суръатларда илгарилаб кетилдики, бугунга келиб бир миллиард ўч юз миллион аҳолиси бўлган мамлакат ўз маҳсулотларини хорижга ҳам экспорт қилиш даражасига етди.

Албатта, бу ютуқларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бундан 17 йил муқаддам Хитой ҳукумати чет эл инвестициясини жалб қилиш масаласига жиддий эътибор бериш юзасидан қатор дастурлар ишлаб чиқди ва уни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этди. Ҳозир Хитойда чет эл капитали киритилган 145 минг ҳаракатдаги корхона мавжуд бўлиб, аграр секторни истисно қилганда ҳам уларда жами 17,5 миллион киши, бошқача қилиб айтганда, меҳнатга лаёқатли аҳолининг 11 фоизи ишламоқда. Дарвоқе, ўз-ўзидан тушунарлики, мамлакат касаба уюшма аъзолари сони жиҳатидан ҳам дунёда етакчилик қилмоқда. Қарийб 100 миллион аъзоси бўлган Бутунхитой касаба уюшмалари Федерациясининг иш кўлами ҳам ғоят ранг-баранг ва салмоқлидир. Федерация атрофига 16 тармоқ касаба уюшмалари бирлашган бўлиб, улар барча вилоятларда муайян мавқега эгадирлар. Съезд худди биздаги каби олий орган ҳисобланади ва у Федерация ижроия қўмитасини сайлайди. Ижроқўм ҳам ўз навбатида президиумни, раис ва унинг ўринбосарларини тасдиқлайди. Президиум эса 5 йил муддатга Котибиятни шакллантиради.

Вилоят касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарлари жойларда Бутунхитой касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган ҳолда сайланади.

Албатта, маъмуриятда қанча одам ишлаши кўпчиликни қизиқтириши табиий. Улар 800 киши бўлиб, фақат халқаро ишлар бўлимининг ўзида 43 нафар ходим фаолият кўрсатади. Умуман олганда, Бутунхитой Федерацияси турли мамлакатлардаги 400 дан зиёд касаба уюшмалари билан яқиндан алоқа ўрнатган. Энг муҳими, касаба уюшмалари ҳаётида юз бераётган барча янгиликлар зудлик билан таҳлил қилиниб, мақбулларидан фойдаланишга интилиш кучли ва эҳтиёмолки худди шунинг учун ҳам халқ манфаатлари ҳимоячиси бўлмиш ушбу ташкилотнинг обрў-нуфузи йил сайин ортиб бормоқда.

Маълумки, касаба уюшмаларини ҳаракатга келтирувчи энг муҳим мурватлардан бири, бу аъзолик бадалидир. Хўш, у Хитойда қандай? Неча йилдирки аъзолик бадали ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизини ташкил қилмоқда. Бундан таш-қари, барча корхона-

ОРЗУЛИ ДУНЁ

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтида ҳар йили 2,5 минг нафарга яқин аёл энг буюк бахт — оналик шарафига муяссар бўлади.

— Аёллар саломатлигини тиклаш, ҳомиладор аёллар ва уларнинг ҳомиласини тўғри ривожлантириш ҳамда соғлом чақалоқларни дунёга келтириш жамоамизнинг асосий мақсадидир, - деди биз билан суҳбатда институт директори, тиббиёт фанлари доктори Жаҳонгир Қурбонов. - Айтиш лозимки, барча бўлимларимиз замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган. Маълумки, «Соғлом авлод» Давлат дастури бир ёки беш йиллик иш эмас — бу давомли ва доимий олиб борилиши лозим бўлган энг долзарб вазифадир. Боз устига, Янги аср биринчи йилининг «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши институтимиз жамоаси зиммасига янада катта масъулият юклади.

— Айтинг-чи, бугунги кунда вилоятларда ҳам ана шундай замонавий шифо масканлари мавжудми?

— Ҳа, муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан республикамизнинг тўрт вилоятида институтимизнинг филиаллари очилди. Нукусда ташкил этилган филиал Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисига хизмат қилаётган бўлса, Қаршидагиси Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари аёлларининг мушкулини осон қилмоқда. Кези келганда, вилоятларимизда очилган ушбу филиалларнинг энг йирик туғруқ мажмуалари қошида ташкил этилганлиги, уларга пойтахтдан билимли мутахассислар юборилганлиги оналар ва болалар саломатлигини сақлаш йўлидаги энг муҳим қадамлардан бири эканлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз. Халқимизга соғлом авлодни камолга етказиш тамойилларини сингдириш, қизларимизни профилактик кўрикдан ўтказиш, уларда мавжуд касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш, туғилган чақалоқларнинг соғ-саломат ўсишларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Вилоят филиалларида ҳозирда ҳомиладор аёллар патологияси, фарзандларимиз саломатлигини мактаб ёшиданоқ муҳофаза этиш билан шуғулланувчи гинекология каби бўлимлар ишлаб турибди.

Шунингдек, маҳаллий кадрлардан шогирдлар етиштиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ҳозирда вилоятларда фаолият кўрсатаётган ёш, тажрибаси етарли бўлмаган шифокор ва ҳамширалар, хусусан, акушер-гинекологлар, анестезиолог ва

неонатологларнинг малакаларини, билим ва маҳоратларини ошириш мақсадида институтимизда махсус ўқув ташкил этилган.

Филиалларимиз олдига қўйилган яна бир муҳим вазифа — янги асрда оналар ва болалар соғлиғини сақлаш, бу вазифаларни жойларнинг ўзида зудлик билан амалга ошириш каби масалаларни ўз ичига олган янги дастур ишлаб чиқишдир. Биз ҳозир ушбу дастур устида иш олиб бормоқдамиз. Қомусимизнинг саккиз йиллик айёмида Президентимиз таъкидлаган долзарб масалалар юзасидан ҳозирданоқ зарур бўлган саъй-ҳаракатларни бошлаб юбордилар. Бугунгача институтнинг Қашқадарё филиалига доплерографик ультратовуш аппарати, Жиззах филиалига эса лапароскоп аппарати топширилди. Эндиги навбатда Наманган филиалини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш кўзда тутилган.

— Институт қошида яқинда иш бошлаган янги, замонавий поликлиника — «Оила ва никоҳ» илмий маслаҳатгоҳи фаолияти ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Поликлиникамизнинг айнан «Соғлом авлод йили»да ишга туширилганлигида катта маъно бор. Натижада аҳолига янада кенгроқ ва сифатлироқ хизмат кўрсатила бошланди. Бу ҳам давлатимизнинг оналар ва болалар саломатлиги йўлидаги катта эътиборидан далолатдир. Ҳозир «Оила ва никоҳ» илмий маслаҳатгоҳи ўта замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Маслаҳатгоҳ қурилиши, уни зарур тиббий жиҳоз ва анжомлар билан таъминлаш учун давлат томонидан 300 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, қўшимча тарзда яна 35 миллион сўмлик маблағ ажратилиши натижасида моддий ёрдам кўрсатиш учун йўналтирилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Дарвоқе, Хитойда ойлик даромади 35 АҚШ долларидан оз бўлган киши кам таъминланганлар тоифасига киради. Бундай кишилар 1949 йилда 500 миллионни ташкил қилган бўлса, саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ 1998 йилда бу рақам 40 миллионга тушди.

Касаба уюшмаларининг иккинчи энг муҳим йўналишларидан бири, бу корхоналарда жамоа шартномаларини имзолашдир. Айни вақтда 365 минг корхонада шундай шартномалар тузилди, уларнинг 80 минги қўшма корхоналарга тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, жамоа шартномаси жами 80 миллиондан ортиқ ходимнинг манфаатларини ифода этади. Бу шартноманинг аҳамиятини шундан ҳам билса бўладики, у иш ҳақини ўз вақтида бериш, меҳнат шароитини яратиш, меҳнат режими, болалар меҳнатидан фойдаланиш масалаларида мавжуд қонунчиликка қатъий риоя қилишни таъминлайди.

Учинчи йўналиш, бу ишчи вакиллари йиғилишининг роли ва таъсирчанлигини оширишга қаратилгандир. Йиғилиш йилда бир-икки марта ўтказилиши шарт бўлиб, унда корхона раҳбарларининг ҳисоботи тингланади. Агарки, дейлик, йиғилишда иштирок этаётган ишчи вакилларининг 40 фоизи раҳбариятга ишончсизлик билдирса, у ҳолда бошлиқ истеъфога чиқиши керак бўлади.

Яна бир муҳим йўналиш борки, бу ҳақда ҳам сўзламай ўтолмаймиз. Корхона раҳбар органида касаба уюшмаларининг иштирокини таъминлаш мажбурийдир. Бошқарув ва назорат комиссияси (кузатув кенгаши) таркибига касаба уюшма қўмитаси аъзосининг киритилиши оддий ҳолга айланган бўлиб, касабақўм раиси ва унинг ўринбосари айни чоғда назорат комиссияси аъзоси ҳисобланади.

Лекин ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Хусусан, касаба уюшма аъзолиги масаласи жиддий ташвиш туғдирмоқда. Бугунги кунда мамлакатда ишловчилар сони 200 миллион кишини ташкил этгани ҳолда уларнинг тенг ярмигина касаба уюшма аъзоси эканлигидан қониқиш ҳосил қилиш мумкинми ахир! Шу боис ҳам касаба уюшмалари янги ташкил қилинаётган корхоналарда касаба уюшма ташкилотларини тузиш ва кичик корхоналарда ишлаётган ходимларни аъзоликка тортишни ўзининг стратегик вазифаси деб билмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг иштирокчилари — Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитасининг ваколатли вакиллари ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини ишлаб чиқиш ишчи гуруҳи ҳамкорлиги ва ўзаро тушунишуви ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини ишлаб чиқиш ишчи гуруҳи ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлиги ва ўзаро тушунишуви ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини ишлаб чиқиш ишчи гуруҳи ва Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги ҳамкорлиги ва ўзаро тушунишуви ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини ишлаб чиқиш ишчи гуруҳи ва Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ҳамкорлиги ва ўзаро тушунишуви ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини ишлаб чиқиш ишчи гуруҳи ва

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ

Алишер Навоийни англаш, ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, қалб эҳтиросларини англаш ва ҳис қилишдир.

«ЧУ ДУШМАН ЎЛДИ ҚАДИМИЙ...»

Чу душман ўлди қадимий
зиёнидин ҳазар эт,
Агарчи нутқи равонбахши
жонга роҳат эрур.
Сув бирла ўт аро зиддият
ўлди чун азалий,
Агар ҳаёт суйидурки, ўтқа
офат эрур.

Мир Алишер Навоий душманлик туйғусининг зарарли оқибатлари, хусусан душманга муносабатдаги эҳтиёт ва ҳушёрлик ҳақида қайта-қайта гапирганлар. «Маҳбубул қулуб»нинг бир ўрнида: «Душман алдовига учма... Душманнинг ғарази ўз ёмон ниятига етмоқдир...» дейилса, бошқа бир жойида: «Зўр душманинг мағлуб бўлса шодланма, унинг ишидан ғофил бўлма. Уни жазолашда сабрли бўлиш, муомалада эҳтиёткорлик лозимдир», дея насиҳат берилади. Дейликки, зўр душман — қадимий душман. Ғаниимлик ҳиссиётларининг умри чўзилган сайин, уларнинг зиён тиғлари ҳам ўткирлашади. Нега шундай? Бу қитъада мана шу саволга мукаммал бир жавоб бор. Душманлик қайсидир вазиятларда ҳийлагарлик, муғамбирлик. Тилёғламалик ҳам ёвнинг синовларидан ўтган қуроли. Душман ширин сўзлари билан жонга роҳат бериши мумкин. У бу ишни маккорлик билан эплайди ҳам. Аммо бундай «роҳат» чалғитувчи ғафлат тузоғидир. Бобомиз айни шу нарсадан «ҳазар эт!» — дейдилар. Бунинг исботи учун ўт ва сув орасидаги зиддиятни эслатадилар. Чиндан ҳам ўт ва сув ўртасида азалий ихтилоф бор. Сув, шоир айтмоқчи, гарчи ҳаёт суви бўлганида ҳам ўтнинг заволи. Сув бор жойда олов ёнмайди. Оловнинг умри тугайди. Лекин бу оддийгина мантиқ кўзгусида қадимий душманнинг ҳам қилмиши, ҳам совуқ башараси кутилмаганда равшанланиб кетади. Мир Алишер Навоий бу шеърни ёзганларида, душманга душманлик қилмоқ керак деган ниятни кўзламаганлар. Балки кунлар ва ойлар эмас, йиллар давомида кину адоват пичоқларини ичида ялтиратиб юрган ғаниимингнинг кимлигини бил, унинг тилидаги шакаридан ҳазар қил, демоқчи бўлганлар. Бу бугуннинг ҳам гапидир. Бу — одамни ғараз, ҳасад, туҳмат тошларидан эҳтиёт бўлмоққа ундовчи ҳикматли сўзлардир.

«КИЙИБ САМУР ИЛА КИШ...»

Кийиб самур ила киш қилма
асру раънолиқ,
Ипак либос ила тутма ғурур
жоми тўло.
Тийнинг ўз туки — ўқ бўлди
жонига офат,
Форисанинг паридин келди
ўз бошига офат.

Ҳазрат Навоий «Лисонут тайр»да «зебу зоҳир», яъни ташқи безакдорликдан фахр этишни ноодамийлик деб баҳолайдилар. Қитъа шу масала талқинига бағишланган. Унда бобомиз самур — қундуз ва киш (бу ҳам қундузнинг бир тури) терисидан тикилган кийимлар, устидаги «ипак либос»лардан ҳаволанган бандаларга мурожаат қиладилар. Бу мурожаат эса ҳам насиҳат, ҳам огоҳлантириш мазмунига эга.

Улуғ шоир ҳар турли қимматбаҳо тери-ю, ипак либослар билан ясаниб «раънолиқ» қилмоқликка қаршилигини танқид эмас, насиҳат оҳангида изҳор этадилар. Бу фикрни далиллаш учун тий ҳамда форисанинг қисматини мисол келтирадилар. Тий — териси пўстинбоп ов ҳайвони. Овчилар доимо уни овлаш пайида юрадилар. Фориса — қушнинг номи. Хўш, нега ўз паридан унинг бошига бало келади?

Айтишларича, форисанинг пати даво бўлиб, кўкйўтал касали билан оғриган болаларга қуйдириб, ичирилар экан. Шўрлик тий ва форисанинг тақдирига қуйинса бўлади. Улар ғўзаллик ва фазилат қурбонлари. Тийнинг териси пўстинбоп, форисанинг пати шифобахш бўлмаганида улар умрларини таҳликасиз ўткараверишлари мумкин эди. Ҳазрат Навоий бу гапларга диққатни тортмаганлар. Буларни ўқувчининг ўзи мулоҳаза этади. Шоирнинг муддаоси бундай: тий ўзининг терисидан, фориса патидан мағрурланмаса-да, ҳаётлари хавф-хатар остида. Чунки бирисининг териси қимматбаҳо, иккинчисининг пати керакли. Бас, шундоқ экан, эй одам, заррин ва шойи кийимлар билан ғурурланиб, нечун сен жонингни бозорга солишинг керак? Нечун сен ташқи бойлик инсонга мусибат туғдиришини ўйламайсан?

Бордур инсон зотида онча
шараф,
Ким ямон ахлоқни этса
бартараф,—

дейдилар ҳазрат Навоий. «Зебу зоҳир»га мутлақо майл этмаслик ҳам ёмон ахлоқни бартараф қилишнинг бир кўринишидир. Камтарин ва хоксор кишилар ҳеч пайт тий ёки форисанинг аҳволига тушмасликларини изоҳлаб ўтириш шарт эмас.

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ,
филология фанлари доктори.

Семинар-кенгаш

МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИДА СПОРТ КЛУБЛАРИ

11-13 декабр кунлари Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий ва вилоят бошқаруви ходимлари ҳамда ушбу тадбирга алоқадор мутахассислар ва, шунингдек, махсус тестларни жорий этиш мақсадида тузилган комиссия аъзолари иштирокидаги семинар-кенгаш ва амалий машғулотлар бўлиб ўтди. Уч кун давом этган тадбирда Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан вакиллар иштирок этдилар.

Сўлим «Бўстон» санаторийсида бўлиб ўтган семинар-кенгаш йиғилишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари О.Муҳитдинованинг «Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида касаба уюшмалари ва спорт жамиятларининг меҳнат кашлар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спорт воситалари орқали соғломлаштиришдаги тутган ўрни» мавзусидаги маърузаси тингланди. Шунингдек, Тошкент жисмоний тарбия олийгоҳи кафедра мудири Т.Юнусов тадбир иштирокчиларини махсус тестларни жорий этиш бўйича иш тажрибалари, умумий қоидалар, низом ва меъёрий ҳужжатлар билан таништирди.

Тадбир кутилганидек баҳс-мунозараларга бой, ишчан руҳда ўтди. Бир қатор қизиқарли, муҳим маърузалар тингланди. Семинар қатнашчилари маърузачиларга ўзларини қизиқтирган кўплаб саволлар билан мурожаат этдилар. Шундан сўнг иштирокчилар Чирчиқ шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқарувининг корхона ва ташкилотларида олиб бораётган ишлари билан танишиш учун Ўзбекистон Қийин эрийдиган металлар корхонасининг «Олмос» спорт мажмуига ташриф буюрдилар. Айтиш мумкинки, жамиятнинг меҳнат жамоаларида спорт клубларини ташкил этиш тажрибаси меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шу куни Тошкент шаҳри ва вилояти ишчи-хизматчиларидан ташкил топган уч жамоа ёш гуруҳларига бўлинган ҳолда «Алпомиш» ва «Барчиной» тестлари нормативларини топшириш мусобақаларида қатнашдилар.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири.
И.ҲАСАНОВ
олган сурат.

ЧИНИҚИШ МАКТАБИ

Наманган вилоятида янги спорт иншоотлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Буни Чуст тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Яқинда бу ерда туман ҳокими қарорига асосан навбатдаги 27-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсата бошлади. Янги спорт мактабида истеъдодли ёшлар эркин кураш, бокс ва каратэ билан шуғулланадилар. Келгусида ёшларни жисмоний чиниқтиришнинг бошқа турлари бўйича ҳам секциялар ташкил этиш назарда тутилган.

Ишонамизки, Чустни дунёга танитган машҳур бокс устаси Темур Сулаймонов, жаҳон чемпиони Севара Қодироваларнинг издошлари мазкур мактабдан кўплаб етишиб чиқади.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Футбол

ДА СИЛЬВА, САДИРИН, ЭНДИ ЭСА САЛЬКОВ

«Миллионлар ўйини» ихлосмандларига яхши маълумки, футболчиларимизнинг сўнгги қитъа биринчилигидаги ўта муваффақиятсиз иштирокидан кейин миллий терма жамоамиз тақдири вақтинчалик «Насаф» бош мураббийи Баҳром Ҳакимовга топширилган, муносиб мураббий эса хорижлик мутахассислар орасидан изланаётган эди. Куни кеча Б.Ҳакимов ўз ўрнини чет эллик ҳамкасбига бўшатиб берди. 63 ёшли Владимир Сальков Ўзбекистон миллий терма командасининг бош мураббийи сифатида иш бошлади. Ишқилиб, украиналик тренернинг қадами қутлуғ келсинда...

Дарвоқе, янги бош мураббийга «Дўстлик» устозлари — Александр Мягков ва Леонид Остроушко ёрдам берадиган бўлишди.

ТАҚВИМ ТУЗИЛДИ

Олий ва биринчи лига жамоаларининг келгуси мавсум — Х миллий чемпионат тақвими тузиб чиқилди. Унга кўра, 2001 йилнинг 13 март куни бошланадиган олий лиганинг биринчи тур учрашувлари қуйидаги жамоалар ўртасида кечади:

«Пахтакор» - «Сурхон»
«Металлург» - «Насаф»
«Дўстлик» - «Бухоро»
«Кимёгар» - «Қизилқум»
«Зарафшон» - «Нефтчи»
«Турон» - «Андижон»
«Трактор» - «Самарқанд-Д»
«Академия» - «Сўғдиёна»
«Семурғ» - «Навбаҳор»

Иккинчи тур учрашувлари 16 март куни ўтказилади. Биринчи лига вакиллари эса баҳсларни 5 апрел куни бошлашади.

ЗИДАН — ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИ

Ҳар мавсум сўнггида йилнинг энг яхши футболчилари аниқланади. ФИФА томонидан ўтказилган сўровда иштирок этган 150 мамлакат терма жамоалари бош мураббийлари ўнлаб «юлдуз» футболчиларга овоз беришди. Юксак номга эса 370 очко тўплаган Франция терма жамоаси ярим ҳимоячиси Зенидин Зидан мушарраф бўлди. «Реал» плеймейкери португалиялик Луиш Фигуга эса иккинчи ўрин насиб этди. Ўтган йилги футбол мавсумининг энг зўр футболчиси бразилиялик Ривальдо эса учинчи ўрин билан кифояланди.

Йигирманчи асрнинг сўнгги чемпионати. Йил якун топа боргани сайин бу сўзлар кўп истеъмол қилинмоқда. Гоҳ у, гоҳ бу қитъадан, гоҳ у мамлакат, гоҳ бу вилоятдан олинаётган хабарлар оқимига ҳамоҳанг равишда куни кеча Чиноз туманида ҳам

ПИЁДАЛАР ФАРЗИНГА ИНТИЛАДИ

«Соғлом авлод йили»га бағишланган турнир ниҳоясига етди. Туман касаба уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган шахмат мусобақаси аввалгилардан-да анча қизиқарли ўтди. Бу тушунарли. Туманда белгиланган охирги спорт беллашуви ғолиби бўлишни ахир ким истамайди дейсиз!

Ҳомий ҳам дарҳол топила қолди. Хусусан, тадбиркор Расул Умаров турнир ғолибига тақдим этиш учун шахсий жамғармасидан соврин таъсис этди. Турнир қатнашчилари ҳам бўш келишмади, эҳтиромга яраша ўйин намойиш этишди. Йигирма саккиз шахматчи дастлаб тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашган бўлсалар, сўнг гуруҳ ғолиблари асосий соврин учун баҳсга киришдилар.

Кўплаб шахмат шинавандаларини хушнуд қилган мусобақа Пўлат Мирхалиловнинг ёрқин ғалабаси билан якунланди. Иккинчи ўрин Мавлон Ғойиповга насиб этди. Жакбар Каримов ва Тўлқин Бобоевлар учинчи ва тўртинчи ўринларни эгаллашди. Совриндорларга туман касаба уюшма томонидан ушбу турнир учун махсус тайёрланган медал ва диплом, шунингдек, ҳомийлар таъсис этган пул мукофотлари топширилди.

А.АБДИРОВ,
туман касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси.

Ўқинг, бу қизиқ!

ҲАММА ГАП ЁПИШҚОҚЛИКДА

Ўтмиш замонларда ёғи олинган сутдан, ҳайвон қонидан, кўнчилик чиқиндиларидан тайёрланадиган турли елимлар бўлган. Ёпишқоқлиги кучайсин учун, зарур бўлганда, елимга асалари елими қўшилган.

Бундан ташқари, қарағай елими, балиқ елими ва баъзи табиий локлардан фойдаланилган. Бу елимлар билан нарса ва буюмлар бирбирига «ўлса йитмас» қилиб ёпиштирилган. Ҳозирги мутахассислар ибораси билан айтганда, адгезивлар билан бирлаштирилган ва ёпиштирилган.

«Адгезия» юнонча ибора бўлиб, ўзбек тилида «ёпишиш» деган маънони билдиради. Адгезия фақат ёпиштириш ишларинигина эмас, балки пластмасса материалларини пайвандлаш, полимер материаллар ва арматурали ҳар хил қопламалар яратиш, бирикмаларни зичлаштириш каби соҳаларнинг ҳам асосини ташкил этади.

Шунга кўра, елимдан ташқари лок-бўёқ моддалари, елимли локлар, шимиладиган ва эритиб қўйиладиган моддалар ҳам адгезиялар жумласига киради.

Елимлаб ишлаб чиқарилган нарса ва буюмлар пайвандланган, парчинлаб ишланган, қалайланган нарсаларга қараганда беқиёс мустаҳкам бўлади.

Акбар АЛИЕВ
тайёрлади.

Табиат ва биз

ҚАЙТИШ

Воқеий ҳикоя

Бахмаллик Мутал ака билан узоқ суҳбатлашдик. У ўзи ясаган суяк сопли ов пичоғини, ота-бобосидан мерос қолган чақмоқли қўшотарини намойиш қилди. Айниқса, ўрдак овида шу қўшотарида бир ўқ билан етти чурракни уриб туширгани ҳақидаги ҳикояси ҳаммани ҳайратга солди.

Эртасига тонг отар-отмас ов анжомларимизни эшакларга юклаб, тоққа жўнадик. Тоғнинг об-ҳавоси ўзгарувчан: бир куннинг ўзида жазирама иссиққа, арчаларнинг шохини синдиргудек шамол ва ёмғир-у қорга дуч келишингиз ҳеч гап эмас.

Чодирни ўрнатиб, ичига арча шохлари билан хашак ёйиб, устига пўстин ва кўрпачаларимизни тўшадик.

— Мутал ака, сиз ўтин териб келинг. Мен ўчоқ масаласини ҳал қилай, - дедим-да, учта тошни юмалатиб, ўчоқ қуриб, чой қўйдим. Чодирингиз олдида кечқурун гулхан ёниб, чўғлари ловуллаб турмаса, суҳбатингиз қовушмайди-да.

Арчанинг чарсиллаб ёнишидан қумғонимиз бир зумда қайнади.

— Кечки овқатимизга бир-иккита каклик келтирсак дуруст бўларди, - дедим Мутал акага.

— Нега энди бир-иккита бўлар экан? Отсак, 10-15 тадан отайликда, - деди у патрон халтасини кўрсатиб.

Шу пайт тепамиздан бир гала какликлар учиб ўтиб, булоқ устидаги қоятошга қўнишди.

Мутал ака шоша-пиша милтиғини ўқлаб, қоятош томонга югуриб кетди. Овимизнинг ўнгидан келганлигиданми ё какликларнинг кўплигиданми бирон соат ўтар-ўтмас бештасини ов халтамга солиб келдим. Мутал акани анча кутдим, аммо дараги бўлавермади. Тошлар орқасидан бир какликнинг сайраши эшитилди. Ўша томонга паналаб бордим. Унинг милтиғи ерда, кўзи сайраётган какликда — бутун вужуди билан берилиб тинглаётганди. Мен тош устида сайраб турган какликни мўлжаллаб отмоқчи эдим:

— Тўхтанг! Бошқа какликлар қуриб қолгандай, шу сайраб турганини отасизми? - деб отгани қўймади.

Бўм-бўш халтасини кўриб, сўрадим:

— Сиз овга келдингизми ёки улар хонишини эшитганими?

Жавоб бўлмади. У анча маъюс тортиб қолганди.

Овимизнинг биринчи куни таассуротларидан-ми ё тун сукунатини бузаётган сойнинг шовқиниданми, алламаҳалгача ухлай олмадик.

Тонгда какликлар жуда сийрак бўлишади, ўзларига яқинлаштирмайди. Пешиндан кейин «нонушта»ларини қилиб бўлгач, «қуёш ваннаси»ни қабул қилиб, яъни тупроққа чўмилиш билан овора бўлганда устидан чиқиб қолишингиз мумкин. Какликлар хавфни сезганда шовқин-сурон кўтариб пастга учишади. Агар душмани узоқда бўлса, баландга йўрғалашади.

Бугун ҳам устозимнинг омади келмади. Қайтишимизда у сойдан юқорига кўтарилаётган какликларни мендан олдин кўрса ҳам қўшотарини елкасидан олмай:

— Ана, какликлар, сиз ота қолинг, - деди.

— Йўқ, сиз олдин кўрдингиз — отиш сиздан.

Бу орада какликлар узоқлаб кетишди.

— Менга каклик ови тўғри келмас экан, - деди ниҳоят у ўзини оқламоқчи бўлиб. - Уларни отишга қўлим бормаяпти.

Эртасига Мутал ака балиқ овламоқчи бўлди. Мен яна каклик овига кетдим. Кечқурун келсам, Мутал ака ўчоқ олдида чой ичиб ўтирибди. Жуда хурсанд. Олдида новдага тизилган ҳар бири бир килоча келадиган тоғ хонқорабалиғи.

— Бу сой роса балиқнинг кони экан-ку. Бир хуржун ушлаб, сувга беркитиб келдим, - деди у.

Кечқурун овдан қайтганимизни эшитганлар яна йиғилишди.

— Мутал ака, овингиз қандай бўлди? - деб сўрашди қизиқиб қуниқўшнилар. Унинг гапиришга ҳам ҳоли йўқ эди. Мен сир бой бермаслик учун Мутал акани ва унинг қўшотарини мақтадим.

Шунда кўпкари полвонлардан бири — Машир илтимос қилиб:

— Шу қўшотарни эсдалик учун менга сотиб кетсангиз яхши бўларди, хўжалик боғини қоровуллашга жуда керак-да, - деб қолди.

Мутал ака дарров рози бўла қолди.

Эртасига Тошкентга қайтдик. Шу-шу уста овчини учратганим йўқ эди.

Яқинда Арнасойга ўрдак овига бориб, кўл бўйида Мутал акани учратиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг:

— Ҳали ҳам янги қўшотар олмаганга ўхшайсиз-ку? Ё овчиликдан воз кечдингизми? - деб сўрадим.

— Очиғи, сайраб турган, одамларни яшашга, кайфиятини кўтаришга, яхшиликка ундаб турган қушларни отиб бўлмас экан. Ўша сайроқи каклик менга катта сабоқ бўлди.

— Балиқларни қийратсангиз майлими, нима, уларнинг жони йўқми?

— Балиқми? - деди Мутал ака бепарволик билан. - Балиқлар ўзларидан кўришсин. Қармоққа нафсларидан илинадилар, нафсларидан.

Унинг гаплари менга ҳам қаттиқ таъсир қилди. Шу-шу Мутал мерган билан эмас, Мутал балиқчи билан ов қиладиган бўлдим.

Ғофур ЖЎРАЕВ.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 5-таянч мактаб томонидан Мирзаев Фарҳод Мамажонович номига берилган O'R-B-050169 - рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вакти - 21.00
Топширилди 01.00

Буюртма Г— 1124. 1 2 3 4 5 6